

микдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорига асосан)

3.13. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

Агар “истеъмолчи” солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, Энергия таъминоти корхонаси карзни ундириш учун шартномавий хажмдан келиб чиккан холда Истеъмолчининг банкдаги хисоб ракамига тулов талабномаси куйиш йули билан, хамда бир томонлама расмийлаштирилган солиштирма далолатнома асосида “Бюро” томонидан мажбурий ундурувга каратишга, шунингдек суд (судларга) ва давлат солик хизмати органларига тақдим этишга хакли.

3.14. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакиллариға ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасдан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлashingа ташқаридан аралашиб ҳатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ўғирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

шартнома, электр таъминоти лойихаси ва техник шартлар мавжуд булмаганда;

электр таъминот лойихаси ва техник шартларга мос келмаганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлиқдан озод этмайди.

Бюро ва электр тармоқлари корхоналари томонидан истеъмолчининг ҳақиқатдаги қарздорликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлик киритилган холда электр тармоқларидан ажратиласди

3.16. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник холатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алохида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда хақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.18. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник холатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алохида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда хақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.19. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги холарда ахоли учун белгиланган тарифларга tengлаштирилди;